

COVID-19 ТАЪСИРИДАГИ УМУРТҚА СПОНДИЛИТИНИНГ КЛИНИК-ПАТОМОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАРИ

Ҳайруллаев А.А.

Андижон давлат тиббиёт институти, мустақил изланувчи

Маҳкамов Н.Ж.

Андижон давлат тиббиёт институти, т.ф.д., доцент

nosirzonmahkamov5@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13788897>

Муаммонинг долзарблиги, дунёда умуртқа поғонаси дегенератив дистрофик касалликларини даволаш тенденцияси тобора долзарб вазифа бўлиб бормоқда. COVID-19 пандемияси бутун дунё бўйлаб тарқалишидан кейинги ҳаракат таянч тизими ва травматология соҳалари учун синов бўлди. COVID-19 билан боғлиқ турли хил сурункали-ортопедик касалликлар нафакат яқиндан ўрганиш мавзусига айланди, балки энг долзарб тиббий ва ижтимоий муаммолардан бири бўлиб қелмоқда.

Жаҳонда кузатилаётган барча соҳаларининг умуртқа поғонаси дегенератив-дистрофик касалликларидан COVID-19 таъсиридаги тана суяги аваскуляр некрозни клиник ва патоморфологик ўзгаришларини баҳолаш бўйича қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада умуртқа поғонаси касалликлари аваскуляр некрози ва диск чуррасининг функционал анатомик жойлашувини ва морфологик кўринишининг ўзига хос хусусиятларини солиштирма ташҳислашдаги турли хил ёндашувларни таҳлил қилишга қаратилган тадқиқотлар алоҳида илмий ва амалий аҳамият касб этмоқда.

Тадқиқот максоди: умуртқа поғонаси суягининг COVID-19 дан кейинги умуртқа спондилитининг клиник-инструментал, морфологик ва морфометрик белгилари ҳақидаги маълумотларни такомиллаштириш.

Материал ва текшириш усуллари: COVID-19 дан кейинги умуртқа поғонаси кўкрак, бел соҳалари яллиғланиш оқибатида дегенератив ва дистрофик ўзгаришлар топографияси ва морфологиясини ўрганиш учун Андижон шаҳридаги Ибн Сино клиникасида умуртқа спондилити консерватив ва ЎзР ССВ Республика патологик анатомия маркази аутопсия бўлимида диск чурраси ва спондилитида жаррохлик амалиётида олинган материалдан фойдаландик.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси: Текширувга олинган гистологик маълумотлар хулосалари ўрганилиб таҳлил қилинди. Умуртқа поғонаси бўйин, кўкрак, бел соҳалари деструктив ва дегенератив касалликларини ёшга боғлаб ўрганишимизнинг яна бир сабаби илмий тадқиқот ишларининг устувор йўналишларига мос келади. Беморларни ёши ўсиб бориши билан структур функционал соҳаларда тартибсиз юкламаларни ортиши, гормонал ўзгаришларни келтириб чиқарувчи жараёнларнинг пайдо бўлиши ва тўқималарда дегенератив патологияларнинг ҳосил қилувчи омилар натижасида меъёрий морфологик ҳолат бузилишига олиб келади. Мазкур ўрганилган маълумотларга таяниб шуни айтиш мумкинки, COVID-19 ни ўтказган беморларда умуртқа спондилитининг клиник таҳлил маълумотлари билан ўзаро патоморфологик кўринишини уйғунлиги солиштирма ташҳислаш имконини беради. Шундай қилиб умуртқа структур –функционал

касалликларида патоморфологиясига қараб хулоса қилишимиз даволаш алгоритмини белгилаб беради.

Хулоса: COVID-19 инфекциясига хос бўлган тўқималардаги патоморфологик ўзгаришлардан бири, бу инфекциянинг пролифератив даврида бириктирувчи тўқима хужайралари ва уларга аралаш ҳолда лимфоид ва макрофагал хужайраларнинг пролифератсияланиб кўпайиши бўлиб, умуртқа суяк атрофидаги ва суякичи юмшоқ тўқима таркибида ҳам лимфо-гистиотситар хужайраларнинг пролифератсияланиб, кўпайиши, артерия ва артериолалар девори хужайралари пролифератсияси кучайиб, кўп сонли майда капилляр типдаги томирларнинг ўзаклари пайдо бўлганлиги, яллиғланишли ангиоматоз жараёнига олиб келганлиги тасдиқланди.

Олиб борилган илмий тадқиқот хулосалари шуни кўрсатдики, беморларнинг касаллик даражаларини ўрганишда ва тўғри ташхис қўйишда патоморфологик ўзгаришларни ёшига, турмуш тарзи ва иш фаолиятига индивидуал ёндашиб аниқлаш кераклигини белгилаб берди.

References:

1. Мартынов М. Ю., Куташов В. А., Ульянова О. В. COVID-19 в семье с редким генетическим заболеванием нервной системы //Неврология, нейропсихиатрия, психосоматика. – 2022. – Т. 14. – №. 1. – С. 108-114.
2. Каххаров А. С. и др. Асептический Некроз Головки Бедренной Кости, Рекомендации Для Врачей //Central Asian Journal of Medical and Natural Science. – 2022. – Т. 3. – №. 4. – С. 268-277.
3. Каххаров А. С. и др. Профилактика Асептического Некроза Головки Бедренной Кости Вызванного Стероидными При Лечении COVID-19 //Central Asian Journal of Medical and Natural Science. – 2022. – Т. 3. – №. 6. – С. 63-78.
4. Каххаров А. С. и др. Факторы риска развития асептического остеонекроза (новейший обзор литературы) //Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 11. – С. 305-313.
5. Беляков. В. В. Структурно-функциональные нарушения при рефлекторных и компрессионных спондилогенных синдромах //Автореф. дисс. докт. мед. наук. -М. . ,2005. -36 с.
6. Зиняков. Н. Т. ,Зиняков. Н. Н. К вопросу о классификации и терминологии грыж межпозвонковых дисков //Мануальная терапия 2007. -№3(27). -С. 22-28.